

**Уишибу низом 08 сентябрь 2014 йилда «Universal sug'urta» AJ акциядорлар умумий йигилишида рус тилида тасдиқланган, узбек тилига рус тилидан таржима килинган.**

«Universal sug'urta» AJ акциядорларининг 2014 йил  
08 сентябрдаги навбатдан ташқари умумий  
йигилишининг 4-сонли баённомасига илова

"Тасдиқланган"  
«Universal sug'urta» AJ акциядорлар навбатдан  
ташқари умумий йигилишининг раиси  
Рахимова Р. В.

## **"Universal Sug'urta" AJ Тафтиш комиссияси тўғрисида НИЗОМИ**

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрирда) ва «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyatining Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyati Тафтиш комиссиясининг мақомини белгилаб беради ҳамда унинг фаолиятини, уни юритиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини тартибга солади.

### **2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

2.1. Тафтиш комиссияси жамиятининг органи ҳисобланиб, «Universal Sug'urta» AJ фаолияти, унинг бўлинмалари ва хизматлари, Акциядорлик жамияти балансида турган филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан ички молия-хўжалик ва ҳуқуқий назорат қилиш функцияларини амалга оширади.

2.2. Ўз фаолиятида Тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси қонунларига, давлат бошқаруви органларининг қонуности ҳужжатларига, Акциядорлик жамияти Уставига, мазкур Низомга ва акциядорлар Умумий йигилиши томонидан қабул қилинадиган ҳамда Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тааллукли бўлган жамиятининг бошқа ҳужжатларига амал қиласди.

### **3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

3.1. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан сайланади. Овоз бериш Тафтиш комиссияси аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида ўтказилади. Аниқ шахсни Тафтиш комиссияси таркибиға киритиш тўғрисидаги қарор, агар унинг учун йигилишда иштирок этаётган Акциядорлик жамияти оддий акциялари 40%идан кўпининг эгалари (ёки уларнинг вакиллари) овоз беришса, қабул қилинади.

Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлашда Кузатув Кенгashi аъзоларига ёки бошқарув органларида лавозимларни эгаллаб турган шахсларга тегишли акциялар овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

3.2. Тафтиш комиссияси камидан уч кишидан иборат. Тафтиш комиссияси

аъзоларининг сони тоқ бўлиши керак. Тафтиш комиссияси 1 (бир) йил муддатга сайланади.

3.3. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.4. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлиши мумкин эмас.

## **4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ ВАЗИФАЛАРИ**

4.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акциярининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

4.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хulosса тузади, бу хulosада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш ҳамда қонунчиликни бузганлик фактлари тўғрисида маълумот.

4.3. Тафтиш комиссияси ҳар чоракда жамият Кузатув Кенгashi Мажлисига аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки жамиятда йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани тақдим этади.

4.4. Ўз вазифаларини бажаришда тафтиш комиссияси қўйидаги иш турларини бажаради:

- жамиятнинг молиявий ҳужжатларини текшириш, мол-мулкни инвентаризация қилиш бўйича тафтиш комиссиясининг хulosаси, ушбу ҳужжатларни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;
- жамият номидан тузилган шартномалар, тузилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонунийлигини текшириш;
- бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисобининг амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги таҳлили;
- молиявий, иқтисодий, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган стандартлар, қоидалар ва ҳоказоларга мувофиқлигини текшириш;
- жамият балансининг тўғрилигини текшириш, солик инспекцияси, статистика идоралари, давлат бошқаруви органлари учун бухгалтерия ҳужжатлари.

## **5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ ХУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

5.1. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини тўғри бажариш учун:

- жамиятининг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан Тафтиш комиссияси талаб қилган, унинг иши учун зарур бўлган, ўрнатилиши Тафтиш комиссиясининг функциялари ва ваколатларига мувофиқ келадиган барча ҳужжатларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг ёзма сўровидан кейин уч кун мобайнида тақдим этилади;

- ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, хуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар

аниқланиши ёки жамияти манбаатларига таҳдид солиниши жамияти мазкур бошқарув органларининг ваколатида бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб этадиган ҳолларда ваколатли шахслардан Бошқарув, Кузатув кенгаши мажлисларини, акциядорлар Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

- ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, хукуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки жамияти манбаатларига бошқача хавф таҳдид солинган ҳолларда Акциядорлик жамиятининг Умумий йиғилишини чақириш (бир овоз билан қарор чиқарган ҳолда);

- жамияти ходимларидан, шу жумладан исталган мансабдор шахсларидан, Тафтиш комиссияси ваколатида бўлган масалалар бўйича шахсан тушунтириш беришни талаб қилиш;

- жамиятида штат лавозимларини эгалламаган мутахассисларни шартнома асосида ўз ишига жалб этиш;

- акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдига, Акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинаётган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузгандари тақдирда, Акциядорлик жамияти ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш.

## **6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари текширув мавзууга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб текширишга мажбурдирлар. Нотўғри хulosалар учун Тафтиш комиссияси аъзолари акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан белгиланадиган мезонларда жавобгар бўладилар.

6.2. Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати мобайнида Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз функцияларини бажаришини тўхтатса, бу ҳакда у Кузатув кенгашини Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда акциядорлар Умумий йиғилиши ўзининг энг яқин вақтда ўтказиладиган мажлисида Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

6.3. Тафтиш комиссияси қуидагиларга мажбур:

- акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Бошқарув эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини Акциядорлик жамияти бошқарув органлари мажлисларидаги ёзма ҳисботлар, маъruzаномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган, сир сақланадиган маълумотларни эълон қиласаслик;

- жамияти манбаатларига ҳақиқатда хавф таҳдида пайдо бўлган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган суистеъмолликлар аниқланган тақдирда ваколатли органлардан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш.

6.4. Тафтиш комиссияси Кузатув кенгашига акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишига кўпи билан 10 кун қолганда молия ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини юритиш қоидалари ва тартибларига мувофиқ йиллик ҳисботлар ва баланслар бўйича хулоса тақдим этади. Унинг хulosаси бўлмаганда Умумий йиғилиш балансни тасдиқлашга ҳақли эмас.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тузади, унда қуидагилар кўрсатилиши керак:

- исботлар ва жамият бошқа молия ҳужжатларининг тўғрилигига баҳо бериш;

- бухгалтерия ҳисбони юритиш ва молия ҳисботини тақдим этиш тартибини, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунни бузиш фактлари тўғрисидаги ахборот.

Тафтиш комиссияси режадан ташқари тафтишларни Акциядорлик жамияти оддий акцияларининг камида 5 фоизига эга бўлган акциядорларнинг ёки Кузатув

кенгаши аъзолари кўпчилигининг ёзма сўровига биноан ўтказади.

## **7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ МАЖЛИСЛАРИ**

7.1. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал этади.

7.2. Унда комиссия аъзоларининг камидаги 50% иштирок этганда, Тафтиш комиссиясининг мажлиси қонуний деб ҳисобланади.

7.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.